Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 11 апрель, № 74 (8969) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР ВА ШЕРИКЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаҳон банки гуруҳининг операциялар бўйича бошқарувчи директори Анна Бьерде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистоннинг Жаҳон банки билан кенг кўламли стратегик ҳамкорлигини янада ривожлантириш, энг аввало, ушбу глобал молиявий институт томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар стратегиясини қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Анна Бьерде давлатимиз раҳбарига Жаҳон банки президенти Ажай Банганинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Кейинги йилларда шериклик муносабатлари юксак даражага чиқиб, салмоқли натижалар бераётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон банкнинг энг йирик ҳамкорларидан биридир. Лойиҳалар портфели 12 миллиард долларидан ошди. Жаҳон банки иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг барқарор ривожини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишда молиявий, консультатив ва техник кўмак кўрсатмоқда.

Банк кўмагида халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳалар механизми такомиллаштирилди, уларни тайёрлашни тезлаштириш ва сифатини ошириш бўйича янги тартиб қабул қилинди.

Камбағалликка қарши курашиш, энг аввало, туризм соҳасида хотин-қизлар ва ёшлар учун иш ўринлари яратиш, хусусий секторни ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш дастурларини қўллаб-қувватлаш, давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш каби йўналишлар келгуси амалий шерикликнинг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Углерод чиқиндиларини қисқартириш, урбанизация ва инфратузилмани модернизация қилиш, энергия самарадорлигини ошириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлишига кўмаклашиш борасидаги ҳамкорлик режаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йирик минтақавий лойиҳаларни илгари суриш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 апрель куни Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири, Глобал ўзгаришлар институти раиси Тони Блэрни қабул қилди.

Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли тузилма билан амалий ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Тони Блэр Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши ва кўламини юксак баҳолади, уларни янада илгари суриш доирасида зарур эксперт-маслаҳат кўмагини кўрсатишга тайёрлигини билдирди.

Иқтисодиёт тармоқларига йирик стратегик инвесторларни жалб қилиш, технологик модернизация, рақамлаштириш ва сунъий интеллектни жорий этишни жадаллаштириш, устувор соҳаларда қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамкорликнинг бошқа асосий йўналишлари сифатида қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири Тони Блэр томонидан 2016 йилда ташкил этилган институт халқаро нотижорат ташкилот ҳисобланади. У турли мамлакатларга барқарор ва инновацион ривожланишнинг янги моделларини ишлаб чиқишда, иқлим ўзгариши ва бошқа замонавий таҳдидларга қарши курашишда кўмаклашади.

ЎзА.

САМАРҚАНД ЭКОЛОГИЯ ВА ИҚЛИМ БАРҚАРОРЛИГИ БЎЙИЧА МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ

Иқлим ўзгариши замонамизнинг энг ўткир муаммоларидан бири. Ҳароратнинг доимий кўтарилиши натижасида қор қоплами қисқарди, бўғланиш кучайди. Қурғоқчиликнинг тез-тез такрорланиши, чўлланишнинг кучайиши қишлоқ хўжалиги барқарорлигини бузиб, озиқ-овқат хавфсизлигига зарар етказмоқда. Бугун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгаришини инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири деб тан олаётгани бежиз эмас.

Мулоҳаза

Шу боис иқлим муаммосига бағишлаб дунёнинг турли мамлакатларида анжуманлар, саммитлар ўтказиляпти. Ўтган ҳафтада эса дунё нигоҳи яна Самарқандга қаратилди. Шарқ дарвозаси ҳисобланган қадимий кентда Иқлим форуми ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон раҳбарлари, шунингдек, Европа Иттифоқи, БМТ, халқаро молия институтлари ва етакчи экология ташкилотлари вакиллари, 80 дан ортиқ давлатлар делегациялари иштирок этди.

Саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда муҳим кўприк

Таъкидлаш лозимки, БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш” резолюциясини бир овоздан қабул қилган. Унда Ўзбекистон Президентининг қатор ташаббуслари, жумладан, Марказий Осиё учун “яшил” кун тартиби ва унинг минтақада барқарор ривожланишга кўмаклашишдаги роли алоҳида қайд этилган ҳамда Самарқандда Халқаро иқлим форумини ўтказиш ташаббуси қўллаб-қувватланган. Демакки, форум ана шу ташаббуснинг инъикоси бўлди.

Бевосита анжуманга келсак, “Марказий Осиё глобал иқлим муаммоларига дуч келмоқда: умумий фаровонлик учун бирлашиш” мавзуси остидаги форум экологик барқарорлик, “яшил” иқтисодий ривожланиш ва иқлим барқарорлиги бўйича мулоқотни илгари суриш учун юқори даражадаги платформага айланди. Асосий эътибор минтақавий ва халқаро ҳамкорликка қаратилди.

3

Учрашув

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁНДАШУВИНИНГ АҲАМИЯТИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Миллий аудит идораси Раиси Хоу Каи билан учрашди.

Суҳбат чоғида Хитой Ўзбекистоннинг муҳим стратегик шериклари-дан бири экани, икки мамлакат етакчиларининг очиқ ва ишончли мулоқоти туфайли муносабатлар ҳар томонлама ва узоқ муддатли ҳамкорлик даражасига кўтарилгани таъкидланди.

Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигининг долзарб йўналишлари ва истиқболлари, шу жумладан, парламентлараро муносабатларни фаоллаштириш, аудит ва молиявий шаффофлик соҳасидаги масалалар муҳокама марказида бўлди.

Бундан ташқари, учрашувда Давлат бюджетини шакллантиришда, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш йўналишларида гендер ёндашувининг аҳамияти масаласига тўхталиб ўтилди. Янада адолатли ва самарали иқтисодий ҳамда ижтимоий тузилмаларни яратиш учун гендер жиҳатларни ҳисобга олиш зарурлиги қайд этилди.

Ҳудудлараро мулоқотни ривожлантириш доирасида ҳамда маҳаллий бюджетларни шакллантириш жараёнида парламент назоратини кучайтиришга қаратилган дастурий лойиҳаларни ишга туширишга келишиб олинди. Бу эса жойларда молиявий бошқарувни яхшилаш ва ресурслардан янада самарали фойдаланишни таъминлаш имконини беради.

Учрашувда томонлар эришилган келишувлар Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва икки мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

ТАЖРИБА АЛМАШИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Хитой Халқ Республикаси Миллий аудит идораси Раиси Хоу Каи бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Мулоқот аввалида икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч ва дўстона муносабатлари туфайли Ўзбекистон ҳамда Хитой ўртасидаги ҳамкорлик стратегик даражага кўтарилгани, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик юқори босқичга чиққани алоҳида қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг сиёсий иродаси натижасида кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқалар анъанавий дўстлик ва ҳурмат руҳида ривожланиб, ҳамкорликнинг барча йўналишида улкан ютуқларга эришилаётгани таъкидланди.

Мулоқот давомида меҳмон томонга “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, унинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўз навбатида, Х. Каи илиқ ва дўстона муносабат учун миннатдорлик билдириб, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган прагматик ташқи сиёсатни, айниқса, қўшнилар билан муносабатни яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижаларини юқори баҳолади.

Меҳмон таъкидича, Ўзбекистонда Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси юксак савияда, муваффақиятли ўтказилди. Бу нафақат мамлакат учун, балки унинг халқаро ҳамкорликдаги фаолиятида ҳам муҳим қадам бўлди.

“Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, икки давлатнинг аудит тизимлари ўртасида маълум ўхшашликлар бор экан. Бу эса бизга ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, ўзаро фикр, тажриба алмашиш ва биргаликда аудит тизимини такомиллаштириш бўйича янги имкониятлар очади. Келгусида бу йўналишда қўшма лойиҳаларни йўлга қўйиш, ўзаро маслаҳатлашув ва малака ошириш тизимини мустаҳкамлаш ниятидамиз”, деди Х. Каи.

«Халқ сўзи».

ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ — АСОСИЙ МАҚСАД

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Аъзамхўжаев Кипр, Чехия ва Хорватия мамлакатлари парламентлари делегациялари билан учрашувлар ўтказди.

Сенат қўмитасида

Дастлаб делегациялар аъзоларига Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қонунчиликни такомиллаштириш, давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ишлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Мулоқот чоғида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш, дўстлик гуруҳлари фаолиятини кенгайтириш, қонун ижодкорлиги, ижтимоий сиёсат, давлат бошқаруви ва минтақалараро ҳамкорлик йўналишларида тажриба алмашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

Виконт Уэверли:

ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИНИНГ ДИПЛОМАТИЯ, НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ, ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ КАБИ ҚАТЪИЙ ФИКРЛАРИ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ ҒОЯЛАРИГА МОС КЕЛАДИ

Буюк Британия Парламенти Лордлар палатаси аъзоси, Виконт Уэверли Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 7 апрель куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси очилишидаги нутқи ҳақида фикрларини билдирди:

Эътироф

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясидаги нутқи пухта ўйланган ва глобал парламент мулоқотига ўз вақтида қўшилган ҳиссадир. Унинг қарашлари долзарб халқаро муаммоларни чуқур англашни акс эттиради ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги конструктив ролини таъкидлайди. Узоқ йиллик кузатувчи ва Марказий Осиёнинг ўзгарувчан геосиёсий ландшафтининг тарафдори сифатида мен давлатингиз раҳбарининг етакчилиги ва кўп томонлама ҳамкорликка содиқлигини юқори баҳолайман.

Ўзбекистон етакчисининг дипломатия, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳурмат қилишни қатъий қўллаб-қувватлаши Парламентлараро Иттифоқ ғояларига мос келади. Унинг можаро зоналарида, хусусан, Украина, Фаластин — Исроил ва Афғонистонда инклюзив мулоқот муҳимлигига урғу бериши қисқа муддатли ютуқлардан кўра узоқ муддатли барқарорликни биринчи ўринга қўядиган прагматик, принципиал ёндашувни намойиш этади. Айниқса, Ўзбекистоннинг Афғонистонни яккалаб қўймаслик ва афғон халқи билан конструктив ҳамкорлик қилишга чақириқлари инсонпарвар ҳамда минтақавий истиқболни таъкидлагани диққатга сазовордир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг бугунги куннинг долзарб муаммоси — иқлим ўзгаришига қаратаётган эътибори таҳсинга сазовор. Ўзбекистоннинг иқлим бўйича мулоқотларга мезбонлик қилишдаги роли, жумладан, яқинда Самарқандда ўтказилган форум ушбу муҳим соҳада минтақавий етакчилик кучайиб бораётганини акс эттиради.

Давлатингиз раҳбарининг хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш, ёшларни кенг жалб этиш борасидаги ташаббуслари ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг махсус глобал платформа орқали ёш парламентарийларнинг овозини кучайтириш ва БМТнинг осиёлик аёлларни ривожлантириш бўйича резолюциясини қабул қилиш таклифлари инклюзивлик ва имкониятларни институционализациялаш ниятидан далолат беради.

Ниҳоят, сунъий интеллект этикаси бўйича намунавий қонунчиликка чақирув ўз вақтида бўлди ва у муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг кенглиги ва теранлиги жаҳон миқёсида тобора кўпроқ қатнашаётган замонавий, ислоҳотчи Ўзбекистонни акс эттиради.

«Дунё» АА.
Лондон

МИНТАҚА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАРАКАТИДА МУҲИМ ПЛАТФОРМА

Қирғиз Республикаси пойтахти — Бишкек шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашининг VII йиғилиши бўлиб ўтди.

Минтақа касаба уюшмалари ҳаракати ва ҳамкорлигида муҳим ўринга эга мазкур нуфузли анжуманда миллий касаба уюшма ташкилотлари, давлат органлари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Анжуман

Йиғилишда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши бош котиби Муродил Жумадилде уулу, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Сатибалди Даулеталин, Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Файзизода, Туркманистоннинг Лебоп касаба уюшмалари бирлашмаси раиси Амангелди Жумаев, Мўғулистон касаба уюшмалари Конфедерацияси вице-президенти Баяраа Рагчаа иштирок этди.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2025 йил 11 апрель

Муносабат

ИСЛОҲОТЛАРГА ҲАМОҲАНГ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Бугун ахборот асрида яшамоқдамиз. Ер юзининг бу чеккасида рўй берган воқеликдан саноқли дақиқалар ичида дунёнинг нариги чеккасида хабар топишади. Шу маънода, юртимизда бўлаётган ҳар қандай ўзгариш дунё ҳамжамиятининг нигоҳида, десак, муболаға эмас.

Дарҳақиқат, Парламентлараро Иттифоқ 150-ассамблеясининг айнан Ўзбекистонда ўтказилгани ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Бу Ўзбекистоннинг демократик бошқарув йўлидан ишонч билан илгарилаётгани, халқчил парламент тизими ва фуқаролик жамиятининг изчил тараққий этиб бораётганидан далолатдир. Айни чоғда бу нуфузли тадбир мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётганининг яққол тасдиғи ҳамдир.

Агар эътибор берилса, Парламентлараро Иттифоқ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишдир. Айни пайтда мазкур йўналиш янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти билан чамбарчас боғлиқ.

Кейинги йилларда инсоннинг муносиб яшаш ҳуқуқини таъминлаш, уни ижтимоий муҳофаза қилишнинг энг самарали йўлларини излаш ва ҳаётга жорий этиш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди. Инсон ҳуқуқларининг олий қадрият эканлиги, “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган тамойил янги таҳрирдаги Конституциямизда ўз аксини топди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон парламентининг барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишдаги фаол иштироки, парламент даражасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенглик масалаларини изчил илгари суриши ҳамда Ёшлар парламенти фаолияти орқали йигит-қизларнинг қонун ижодкорлиги жараёнларига кенг жалб этилаётгани халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Демак, бундай йирик анжуманларнинг мамлакатимизда ўтказилиши ҳам шу ўзгаришлар самарасидир.

Сиёсатда гендер тенглик ва ёшлар иштирокини кенгайтириш масалалари Парламентлараро Иттифоқ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эканини инобатга олсак, ушбу соҳаларда эришилаётган ютуқларимиз билан фахрланишга тўла асос бор. Бугун Ўзбекистонда хотин-қизларнинг қонунчилик жараёнларидаги фаол иштирокини рағбатлантириш, ёшларни қонун ижодкорлигига жалб этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, камбағалликни қисқартириш, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва гендер тенгликка риоя қилиш борасида намунали тажриба шаклланмоқда. Зеро, бу йўналишлар дунёдаги демократик тараққиётнинг ажралмас қисми сифатида эътироф этилади.

150-ассамблея “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” шиори остида камбағалликни қисқартириш, муносиб меҳнат, ижтимоий интеграция ва аҳолининг қарорлар қабул қилишдаги иштирокини кенгайтириш каби кўплаб долзарб масалалар муҳокамасига бағишлангани билан аҳамиятлидир.

Ассамблеянинг ялпи мажлислари, ихтисослаштирилган органлари йиғилишларидаги муҳокамалар, илгари суриладиган илғор ғоя ва ташаббуслар, қабул қилинадиган ҳужжатлар айни шу масалаларга дунё мамлакатлари парламентлари эътиборини қаратди, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.

ЎЗБЕКИСТОНГА, МАРКАЗИЙ ОСИЁГА БЎЛГАН ИШОНЧ НАМУНАСИ

Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси Тошкентда ўтказилгани янги Ўзбекистон сиёсий ислоҳотлари натижаларининг яна бир халқаро эътирофи, десак, хато бўлмайди.

Бу айни пайтда янги парламентга муносабат, унинг самарали фаолият нуқтаи назаридан тубдан ўзгаргани, партияларга нисбатан қарашлар ва жамиятдаги сиёсий ҳамда парламент тафаккурининг шаклланиши, қолаверса, Президент сайловларининг халқимиз хоҳиш ва истаги асосида ўтгани, энг асосийси эса, Бош қомусимизнинг том маънода очиқ-шаффоф, инсонпарвар жамият нуқтаи назаридан янгиланганги каби жиҳатлар пойтахтимизнинг ана шундай нуфузли анжуманга мезбонлик қилишига асос бўлди.

Шу ўринда, 130 дан ортиқ давлатларнинг 1400 га яқин делегатларига йўлланган Президент мурожаати нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг овозидек янграганини айтиш жоиз. Шунинг учун ҳам Президентнинг дунё тинчлигини ўғирлаётган глобал муаммолар ҳақидаги фикрларини миллионлаб фуқаролар якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда.

Таҳлилчиларнинг фикрича, бугун дунёнинг 100 дан зиёд ҳудудларида ҳарбий низолар давом этяпти. Шу боис ҳам тарихий мурожаатда мингминглаб оилаларга айрилиқ дардини олиб кирган низоли ҳолатларга алоҳида урғу берилди. Хусусан, Украина инқирози Президентнинг фикрича, БМТ раҳбарлигида, амалдаги халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал этилиши керак. Мурожаатда яна бир оғриқли нуқта — Фаластин инқирози учун ягона ечим “икки халқ учун — икки давлат” тамойили бўлиши шартлиги билдирилди. Шунингдек, жафокаш Афғонистон халқини ўз муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслик зарурлигига ҳам эътибор қаратилганини таҳлилчилар алоҳида эътироф этмоқда.

Қайта тикланадиган энергияга устуворлик бериш, “яшил” технологияларга ўтишни рағбатлантириш — келажак авлодлар олдидаги мажбуриятимизга айланиши кераклиги билан боғлиқ ташаббус эса келажак ҳақидаги ғамхўрлик белгисидек янгради, дейиш мумкин.

Президент, шунингдек, сунъий интеллект соҳасида бутун дунёда ўйин қоидалари бир хил бўлиши лозимлигини таъкидладики, бу ушбу масаланинг ниҳоятда нозиклиги билан боғлиқдир.

Президент Парламентлараро Иттифоқ тизимида Ёшлар парламентларининг глобал платформаси кераклигига ҳам бежиз эътибор қаратгани йўқ, албатта. Энг муҳими, янги Ўзбекистоннинг ана шундай таклиф ва қатъий талабларини дунё эшитиб, ўзи учун хулосалар чиқариши оддий ҳолга айланяпти.

Парламентлараро Иттифоқ 150-юбилей ассамблеясининг Тошкентда ўтказилиши замирида аслида Ўзбекистонга, қолаверса, ўз қўшнилари билан бирлик ва биродарлик ришталарини қайта тиклаган Марказий Осиё минтақасига бўлган ишонч ётибди.

Алишер ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари.

МУАММОЛАР ЕЧИМИДА МАСЪУЛЛИК ВА ДАХЛДОРЛИК

Глобал иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш масалалари жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан, парламентларнинг бугунги кунда эътибор қаратаётган долзарб масалаларидан бирига айланди.

Давлатимиз раҳбари Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеясида сўзлаган нутқида бу масалага тўхталиб, муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Албатта, ассамблея доирасида ўтказилган “Парламент алоқаларини такомиллаштириш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича ҳаракатларни тарғиб қилиш” мавзуидаги семинар ҳам иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши курашиш бўйича мулоқот ўрнатиш ҳамда парламентлараро ҳамкорликни кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшади. Бу эса мамлакатимиз учун ўзаро манфаатли ҳаракатларни шакллантириш имкониятини яратади.

Мазкур семинарда Ўзбекистон вакили сифатида иштирок этиб, юртимизнинг бу борадаги тажрибаси, амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда парламентлараро алоқаларни такомиллаштириш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича ҳаракатларни тарғиб қилиш юзасидан таклифлар билдирдик.

Таъкидлаш жоиз, яқинда Самарқандда бўлиб ўтган халқаро Иқлим форумида Марказий Осиё олдида турган долзарб муаммолар муҳокама қилинди ва экологик барқарорлик, “яшил” иқтисодий тараққиёт ва иқлим ўзгаришига қарши курашишда минтақавий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Минтақа мамлакатлари томонидан Марказий Осиёда иқлим ўзгаришига мослашиш стратегияси бир овоздан маъқулланди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар халқаро майдонда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 11 та резолюцияси қабул қилинди. Уларнинг аксарияти экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим муаммоларига бағишлангани эътиборга молик.

Парламентимиз томонидан сўнгги йилларда бу борада ўндан ортиқ яхлит қонунлар ҳамда соҳага оид қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, жами 30 га яқин қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, 6 та стратегия ва концепция имзоланганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

2021 йилдан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бошланиб, ҳар йили 200 миллион кўчат экилиб, 2030 йилга бориб, яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш мақсад қилингани таҳсинга сазовор.

2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқлим кенгаши ташкил этилди. Юртбошимиз ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича комиссияси тузилди. Бу эса иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларга парламент даражасида ечим топишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда парламентлараро алоқаларни такомиллаштириш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича ҳаракатларни тарғиб қилиш ҳамда уни халқаро платформаларда илгари суриш бўйича ягона позицияни ишлаб чиқиш масаласи ва бу борада бир қатор таклифларни илгари сурдик.

Иқлим ўзгариши масалалари бўйича парламентлараро мулоқот платформасини яратиш, аъзо давлатларнинг илғор қонунчилик ташаббуслари, уларни амалга ошириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича тажриба алмашиш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим хавфсизлиги масалалари юзасидан тренинглар ҳамда семинарлар ташкил этиш, парламентлар ҳузуридаги илмий муассасалар ҳамкорлигини йўлга қўйиш, қабул қилинадиган қонунларни экологизация этишга алоҳида эътибор қаратиш, иқлим ўзгариши бўйича халқаро ҳужжатларга мамлакатлар қўшилишига қаратилган тарғиботни кучайтириш, иқлим масалалари юзасидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан парламент назоратига эътибор қаратиш шулар жумласидандир.

Тошкент шаҳрида ўтказилган йирик анжуман — Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни, ижобий тажрибаларни халқаро ҳамжамият билан бўлишиш, ўртоқлашиш имкониятини бериш билан бир қаторда Ватанимизнинг халқаро майдондаги имижини янада юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Хайрулло ҒАФФОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси.

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЧАҚИРИҚ

Апрель ойи Ўзбекистон ва Марказий Осиё ҳаётида тарихий воқеалар билан ёдда қолмоқда. Жумладан, 3-4 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити нафақат минтақамиз, балки бутун дунё диққат-эътиборини ўзига қаратди. Саммитда Президентимиз томонидан сўзланган нутқ эса юксак сиёсий етуклик, стратегик тафаккур ва келажак учун аниқ йўналишларни ўз ичига олган мустаҳкам дастур намунаси сифатида қабул қилинди.

Саммит доирасида Европанинг “Глобал дарвоза” ташаббуси асосида 12 миллиард евролик инвестиция пакети таклиф этилгани жаҳон ҳамжамиятининг Марказий Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга бўлган ишончининг очиқ далилидир.

Давлатимиз раҳбари билдирган аниқ ва амалий таклифлар барча иштирокчи давлатлар учун кенг имкониятлар очади. Булар янги логистика йўлакларини шакллантириш, рақамли трансформация, таълим ва илм-фан соҳаларидаги долзарб масалаларни қамраб олди. Айниқса, тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган чақириқ бугунги глобал таҳдидлар даврида катта аҳамиятга эга. Ўзаро ишонч, очиқ мулоқот ва аниқ мақсадларга асосланган ҳамкорлик замон талаби. Давлатимиз раҳбари эса айнан мана шу тамойилларга суянган ҳолда бутун минтақамиз учун ишончли “Йўл харитаси”ни илгари сурмоқда.

7 апрель куни мамлакатимиз раҳбари “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” мавзуида ўтказилган ҳамда 1400 га яқин иштирокчилар қатнашган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясидаги нутқида тинчлик-осойишталикни сақлаш, тараққиёт сари интилиш ва адолатни таъминлашда дунё аҳолисининг қатламлари ўртасидаги иқтисодий тенгсизликнинг жамиятга етказиши мумкин бўлган зарарлари, уларни бартараф этиш лозимлиги хусусида сўз юритди.

Шунингдек, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни, мамлакатимиз парламенти 100 га яқин хорижий ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатгани, 80 та қўшма дўстлик гуруҳлари ва комиссиялари фаолияти борасида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари саммит иштирокчилари эътиборини бугунги куннинг катта муаммосига айланган иқлим ўзгаришларига қаратиб, бу борадаги бир қатор масалалар Самарқандда бўлиб ўтган халқаро иқлим форумида ҳам атрофлича муҳокама қилингани, энергия манбалари ва “яшил” технологияларга ўтишни рағбатлантириш парламентларнинг муҳим вазифасига айланиши лозимлигини таъкидлади.

Айни чоғда хотин-қизлар ҳуқуқларини қатъий қарор топтириш масаласи, ёшларнинг парламент фаолияти билан бир қаторда жамият ҳаётининг барча жабҳасида тўлақонли иштироки, ҳар бир инсоннинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорликни кучайтириш бугунги давр талаби экани алоҳида урғуланди.

Мазкур ассамблея доирасида ўтган 70 га яқин турли тадбир ва дебатларда парламентлар олдида турган энг асосий вазифалар юзасидан фикр алмашиш, режалар белгилаб олиниши “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” мавзуида ўтказилган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясининг нуфузини янада орттиради.

Виктор ПАК,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК САРИ НАВБАТДАГИ ҚАДАМ

Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси тажрибаси

Марказий Осиё минтақасида илк маротаба ўтказилган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясига юртимиз мезбонлик қилди. Эътироф этиш керакки, бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар ва парламентаризмни ривожлантириш борасидаги ютуқларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътирофи бўлди.

Нуфузли анжуман жаҳон парламентаризми тарихида ёрқин из қолдириш билан бир қаторда, инсон шаъни, қадр-қиммати ва фаровонлигини олий қадрият сифатида эътироф этадиган халқаро парламентаризм тажрибасини янада ривожлантириш ва миллий парламентлар ҳамкорлиги мустаҳкамланишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ассамблеянинг асосий мавзуси — “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” бўлиб, унда 130 дан ортиқ мамлакатлардан парламент делегациялари иштирок этди.

Унда гендер тенглик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ассамблея доирасида Парламентлараро Иттифоқнинг янги “Ҳаракатлар орқали гендер тенгликка эришиш” кампанияси ишга туширилди. Кампания парламент ва сиёсатда тенгликни таъминлаш, гендерга сезгир институтларни рағбатлантириш ва гендерга асосланган зўравонлик ва камситишларга қарши курашиш йўналишлари бўйича 10 та муҳим ҳаракатни тарғиб қилади.

Ушбу ташаббуслар Парламентлараро Иттифоқнинг гендер тенгликка эришиш ва аёлларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини оширишга бўлган қатъий интилишини кўрсатади.

Ўзбекистонда бугунги кунда гендер тенглик соҳасида, хусусан, аёлларнинг сиёсий жараёндаги фаол иштирокини таъминлаш, давлат бошқарувидаги ўрнини кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жамият бошқарувида аёллар янада фаоллашиб, уларнинг ижтимоий ва маънавий ҳуқуқларини қўллаб-қувватлашга эътибор берилмоқда. Шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқларини қатъий қарор топтириш, тараққиётни таъминлашда эркаклар билан тенг имкониятлар яратилиб, барча соҳада уларнинг тенглик даражасига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Таъкидлаш жоизки, дунё миқёсида ҳам парламентар аёллар сони ошиб бораётир. Аёл депутатлар улуши 1995 йилдаги 11,3 фоиздан жорий йилга келиб 27,2 фоизга кўтарилганлиги фикримизнинг исботи.

Минтақавий ҳамда глобал миқёсда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда ортиб бораётган ролини янада мустаҳкамлашда Парламентлараро Иттифоқнинг аҳамияти муҳим. Шу боис Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида мамлакатларда гендер тенгликка эришиш борасидаги натижаларни аниқ индикаторларга асосланган ҳолда баҳолаш, бу борада ҳар бир давлат ўз олдига қўйган вазифаларни бажариши юзасидан қўшимча чора-тадбирларни белгилаб олиши ҳар жиҳатдан тўғри бўлиши анжуман минбарида бот-бот айтилди.

Ишонамизки, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда алоҳида воқелик сифатида муҳрланувчи ушбу анжуманда қабул қилинган ҳужжатлар дунёда тинчлик, миллатлар ва элатлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаб, барча халқлар фаровонлигига хизмат қилади.

Аксавли ТУМИШОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ БОШҚАЛАРГА ЎРНАК

Парламентлараро Иттифоқ ассамблеяси дунёнинг турли мамлакатларидан келган парламентарийларни бирлаштирган катта платформадир. Ушбу нуфузли анжуманда миллатлар ўртасида чуқур ҳамкорлик ва мулоқот ўрнатиш, дунё миқёсида тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги бир қатор масалалар ҳал қилинди. Мазкур йирик халқаро тадбирда Президентимизнинг иштирок этгани ва ўз нутқида парламентлараро ҳамкорликда амалга оширилиши зарур бўлган ҳаётий таклифларни илгари сургани муҳим воқелик бўлди.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий ривожланиш ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш каби соҳаларда глобал ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги ҳақида фикр билдирди. Бундан ташқари, тинчликни таъминлаш, экологик хавфсизлик, иқлим ўзгариши ва ресурсларни бошқариш каби глобал муаммолар ҳам эътибордан четда қолмади.

Президентимизнинг анжуман иштирокчиларига қарата “Мен ҳам 15 йил давомида парламент аъзоси бўлганман. Дунёни тинч-осойишта, жамиятларни янада фаровон қилишга қаратилган олийжаноб фаолиятингиз нақадар масъулиятли эканини яхши биламан ва тушунаман. Сизлар бамисоли халқларни бир-бирига боғловчи мустаҳкам дўстлик кўпригисиз”, дея айтган сўзлари барчанинг дилига дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамловчи илиқлик олиб кирди, десак, муболаға бўлмайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ана шундай кучли парламентаризмни шакллантириш, унинг фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллий Кенгашлар ваколатларини кенгайтириш борасида катта ишлар бажарилди. 2023 йилда ўтказилган умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда парламент ваколатлари кескин оширилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари 5 тадан 12 тага, Сенат ваколатлари эса 14 тадан 18 тага етказилди. Суд, коррупцияга қарши кураш ва рақобат органлари фаолияти бўйича Президентнинг қатор ваколатлари қонун чиқарувчи ҳокимиятга ўтказилди. Парламентнинг Ҳукуматни шакллантиришдаги иштироки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан назорат механизмлари янада кучайтирилгани парламент аъзоларининг барчаси халқ манфаати ва мамлакат осойишталиги учун хизмат қилиши зарурлигини англатади.

Ҳудудларда маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари ҳам кенгайтирилди. 2025 йил 1 январдан халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси депутатлар ичидан сайланадиган бўлди, вилоят ҳокимлари Кенгаш раислигидан озод қилинди, 2026 йилдан бошлаб туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари раислари ҳам мустақил тарзда фаолият олиб борадиган бўлди. Ҳокимликларнинг 33 та ваколати маҳаллий Кенгашларга ўтказилди.

Миллий парламентимизда хотин-қизларнинг улуши бугунги кунда 38 фоизга ошганлиги эътиборга молик. Мазкур кўрсаткич Парламентлараро Иттифоқ томонидан ҳам эътироф этилиб, Осиё минтақасида сўнгги ўттиз йилда энг юқори ўсиш сифатида баҳоланган алоҳида мамнуният бағишлайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юртимизда кечаётган демократик ислоҳотлар хорижий давлатлар эътирофига сазовор бўлаётир, янги Ўзбекистонимизнинг тараққиёт йўли бошқа давлатларда ўрнак ва тажриба сифатида ўрганилмоқда.

Покиза АҲМЕДЖАНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси.

МИНТАҚА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАРАКАТИДА МУҲИМ ПЛАТФОРМА

1

Тадбирда кадрлар имкониятини ривожлантириш, касаба уюшмалари учун мутахассислар тайёрлаш тизимларини такомиллаштириш, ижтимоий ҳамкорлик механизмларини кенгайтириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ўз маърузасида минтақадаги бугунги тинчлик ва барқарорлик, давлатлараро ҳамкорлик янгича маъно-мазмун ва моҳият касб этиб бораётгани замирида ҳудуддаги давлатлар раҳбарларининг биргаликдаги оқилона қарорлари, сиёсий ирода ва қатъият ётгани, яқиндагина Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Президентларининг учрашуви бунга ёрқин мисол бўла олишини қайд қилди. Шунингдек, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар ҳам ўз ечимини топаётгани, ўзаро ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга оширилаётгани эътироф этилди.

Таъкидланганидек, Қирғизистон ҳукумати томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига Иссиққўлдан ўн гектар ер майдони ажратилган бўлиб, ушбу ҳудудда халқаро талабларга жавоб берадиган касаба уюшманинг санаторий мажмуаси қурилмоқда.

Қ. Рафиқов жорий йил июль ойи охирида Ўзбекистонда касаба уюшмалари ташкилотларининг дўстлик фестивали ўтказилиши, унда минтақадаги барча қўшни мамлакатлар, шунингдек, туркий тилли давлатлар вакиллари иштироки кутилаётганини мамнуният билан қайд этиб, ушбу тадбир қардош халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашининг VII йиғилиши ўзаро минтақавий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ушбу жараёнларда касаба уюшмаларининг ўрни ҳамда ролини ошириш, долзарб ижтимоий масалаларни ҳал қилишда ҳамкорликда ишлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

«Халқ сўзи».

Бугунги кунда «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали 750 нафар ватандошимиз хорижда таҳсил олмоқда.

САМАРҚАНД ЭКОЛОГИЯ ВА ИҚЛИМ БАРҚАРОРЛИГИ БЎЙИЧА МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ

1 Иқлим форуми қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш, сув ресурсларини комплекс бошқариш, биологик хилмахилликни сақлаш ва барқарор шаҳар тараққиёти каби асосий йўналишлар бўйича эксперт панеллари, ялпи сессиялар ва сиёсий мулоқотларни таклиф қилди. Муҳокаманинг асосий мавзуларидан бири глобал миқёсдаги экологик ҳалокатнинг яққол намунаси саналмиш Орол денгизи инқирози масаласи бўлди. Мутахассислар ва ҳукумат вакиллари зарар кўрган ҳудудларда ерларни тиклаш, чўлланишга қарши курашиш ва иқлим ўзгаришининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини камайтириш бўйича ечимларни кўриб чикди.

«Яшил» кун тартиби — устувор йўналиш

Бугунги кунда Марказий Осиё қурғоқчилик, музликлар эриши ва сув танқислиги билан юзма-юз бўлса, Европа аномал иссиқлик, ёнғинлар ва экотизимлар ўзгариши билан тўқнаш келмоқда. Марказий Осиё иқлим ўзгаришига нисбатан энг сезгир ҳудудлардан бири сифатида ўз масъулиятини тўлиқ англайди ва Европа билан узоқ муддатли ечимлар устида ҳамкорлик қилишга тайёр.

Ўзбекистон учун сўзсиз устувор йўналиш — бу Марказий Осиёда “яшил” кун тартибини илгари суриш. Самарқанд саммити доирасида мамлакатимиз “яшил” ривожланиш бўйича минтақавий концепция лойиҳасини тақдим этди. Унда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва “яшил” технологияларни жорий этиш йўналишида самарали минтақавий ҳамкорликнинг мустаҳкам асосини яратиш кўзда тутилган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон “ЕИ — Марказий Осиё “яшил” шериклиги” дастурини ривожлантиришни таклиф этгани эътиборлидир. Унинг доирасида қайта тикланадиган энергия манбалари, экотизимларни тиклаш ва иқлимни рақамли мониторинг қилиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришда кучларни бирлаштириш мумкин.

Бу йўлда сув ресурсларини тежаш соҳасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳам катта аҳамиятга эга. Айниқса, Европа Иттифоқи билан ирригация инфратузилмасини модернизация қилишдан тортиб музликларни биргаликда қузатиш ва илғор сув тежовчи технологияларни жорий этишгача бўлган йўналишларда ҳамкорлик учун улкан имкониятлар мавжуд.

Устувор йўналишлардан яна бири — экотизимлар ва биохилмахилликни тиклаш. Таназзулга учраган ерларни, жумладан, Оролбўйи ҳудудини кўкаламзорлаштириш бўйича кенг кўламли дастур — “Марказий Осиёнинг “яшил” белбоғи” лойиҳаси аллақачон бошланган. Ўзбекистон экологик соҳада таълим тизимини такомиллаштириш ва илмий тадқиқотлар ўтказишга ҳам устувор эътибор қаратмоқда.

Ўтган йили минтақамизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан биринчи “Яшил университет” очилди, бу таълим маскани қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва инновацияларни жорий этиш учун самарали майдон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Айни пайтда Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа давлатлар қайта тикланувчи энергетика салоҳиятини фаол кенгайтирмоқда. “Яшил” энергетика ва иқлим соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Марказий Осиёда “углерод кредитлари” бозорини ривожлантиришга хизмат қилади. Бу механизм корхоналарга экологик тоза технологияларга инвестициялар жалб этиш имконини беради, шунингдек, углерод квоталари савдоси соҳасида халқаро ҳамкорлик платформасига айланади. Масалан, фаолият юритаётган 14 та қуёш ва шамол электр станциясига қўшимча равишда умумий қуввати 24 минг мегаватт бўлган 50 дан ортиқ шундай лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Яқин беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилгани эса “иссиқхона газлари” чиқишини қарийб 16 миллион тоннага қисқартиради. Ва бу Ўзбекистон Париж келишуви доирасида “иссиқхона газлари” чиқиндисини 35 фоизга камайтириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятни муддатидан олдин бажаришига имкон беради.

Саҳролашишга қарши курашда истиқболли ечимлар

Яширишнинг ҳожати йўқ, дунёнинг кўплаб ҳудудларида инсонлар зироат ва чорвачиликда фойдаланган ерлар яроқсиз ҳолга келган, айниқса, охирги йилларда саҳролашиш оқибатлари яққол сезиляпти. Бу ҳудудлар орасида Ўзбекистон ҳам бор.

Марказий Осиё — жаҳонда кескин чўллашаётган бир нечта минтақалардан бири. Ер саҳролашса, на деҳқончилик, на чорвачилик қилиш мумкин. Натижада яшаш қийинлашади, озиқ-овқат қимматлашади, халқ камбағаллашади, минтақаларда низолар эҳтимоли кучайиши ҳам мумкин.

Саҳролашиш Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган ерларини “ютиб юборяётгани”, ҳар йили гектарлаб ер яроқсизга айланаётгани муаммоси ҳақида собиқ иттифоқ даврида ҳам бонг урилган.

Олимлар Ер сайёрасида саҳролашишнинг асосий сабаблари сифатида аҳоли сонининг кўпайиб бораётгани, ўрмон ва дарахтзорлар кесилаётгани, ерлар яйлов сифатида ҳаддан зиёд кўп фойдаланилаётгани, тупроқ эрозияси ва иқлим ўзгаришини тилга олади ва бу таъсирларни камайтиришга чақиради. Бунинг энг самарали йўлларидан бири — дарахт экиш. Яна бири эса анъанавий энергиядан фойдаланишни камайтириш, қайта тикланадиган, муқобил энергия манбаларини кенг жорий этиш.

Дунё миқёсида оладиган бўлсак, охирги 20 йил ичида 4,5 миллиардга яқин одамлар йирик табиий офатлар кўринишидаги иқлим ўзгариши таъсиридан азият чекди, 1,2 миллион киши ҳалок бўлди, иқтисодий зарар эса қарийб 3 триллион долларни ташкил этди. Мутахассисларнинг фикрича, Марказий Осиё мамлакатлари географик жойлашув хусусиятларидан келиб чиқиб, иқлим келтириб чиқарадиган оқибатларга кўпроқ мойил.

Бугунги кунда минтақа мамлакатлари иқлим ўзгариши билан боғлиқ бир қанча салбий оқибатларни аллақачон бошдан кечирмоқда. Хусусан, музликлар майдони қисқармоқда. Сўнгги 50 — 60 йил ичида минтақадаги музликлар майдони 30 фоизга камайди. Ҳароратнинг 2 даражага кўтарилиши музликлар майдонининг 1,5 баравар, 4 даражага кўтарилиши 80 фоиз қисқаришига олиб келиши мумкин. Сув ресурсларининг етишмаслиги, сувдаги стресс даражаси минтақа мамлакатларида аллақачон танг кўрсаткичга етган. Башоратларга кўра 2050 йилга бориб сув ресурслари Сирдарёда 5 фоизга, Амударёда 15 фоизгача қисқаради.

Чўлланиш жараёнлари ва ернинг деградацияси ҳам бизга бегона эмас. БМТ маълумотларига кўра, ўтган 50 йилда минтақа мамлакатларида чўлланиш жараёни билан қопланган ерлар миқдори 15 — 20 фоизга ошган.

Орол денгизи ҳам аллақачон башарият муаммосига айланган. Ҳозирги кунда бутун жаҳон ҳамжамияти Орол денгизи инқирози нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки глобал миқёсда ҳам салбий оқибатларга олиб келаётганини таъкидламоқда. Охирги 40 йил ичида денгиз ўз майдонининг 57, ҳажмининг 80 ва чуқурлигининг 64 фоизини йўқотди. Қирғизистон ва Тожикистондаги кўп асрлик музликларнинг кўрқинчли даражада тез эриши кузатиляпти. Ўзбекистон Орол денгизининг қуриши, унинг тубидан осмонга кўтарилган пестицидли чангларнинг одамлар саломатлиги, деҳқончилик ва иқтисодиётга таъсиридан азият чекиб келаётганига анча бўлди. Дунёда иқлим ўзгариши эса денгизлар ўта узоқ жойлашган минтақада ҳам сувсизлик, саҳролашиш ва чанг бўронлари каби ҳолатларни кучайтира бошлаган.

> *Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, углерод нейтраллигига эришиш ва “яшил” энергетика улушини кескин ошириш стратегик вазифа сифатида белгиланганини эслатиб ўтиш жоиз. Давлатимиз раҳбарининг “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтириш масалалари акс этгани иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва унга мослашиш учун хизмат қилади.*

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўсиб бораётган глобал таҳдидларга комплекс жавоб қайтариш мақсадида 2015 йил 12 декабрда Париж Битими қабул қилинган. Ушбу ҳужжат 2016 йил 4 ноябрда кучга кирган. Битимнинг мақсади БМТ Иқлим ўзгаришлари бўйича доиравий Конвенциясининг амалга оширилишини фаоллаштириш, глобал ўртача ҳароратни индустриаллаштиришгача (1750 й.) бўлган даврдагига нисбатан 2 даражага сақлаб туриш ҳамда ҳароратнинг Цельсий бўйича 1,5 даражагача кўтарилишини чеклашга ҳаракат қилишдан иборат. Бу 2050 йилга бориб “иссиқхона газлари” глобал аҳратмаларини 40 — 70 фоизга камайтиришни ва 2100 йилга бориб уни 0 ёки манфий кўрсаткичга етказишни талаб этади.

Таъкидлаш жоиз, 2017 йил 19 апрель куни БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Ўзбекистон Париж Битимини имзолади. Мазкур битим 2018 йил 3 октябрь куни ратификация қилинди. 2030 йилгача узоқ муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикаси иқлим ўзгаришига қарши кураш чора ва ҳаракатларни кучайтиришни — 2030 йилга бориб “иссиқхона газлари” солиштирма ташламаларини 2010 йилдаги даражага нисбатан ялпи ички маҳсулот бирлиги бўйича 10 фоизга қисқартиришни мўлжалламоқда.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, академик.

Келажак авлод олдидаги бурч

Келгуси 20 — 30 йил ичида иқлим ўзгариши инсониятга бешта асосий хатарни алоҳида урғулайди. Булар сирасига Арктика денгизидаги музликлар ва маржон рифлари каби уникал тизимларга бўлган таҳдидлар киради. Ҳароратнинг 2 даражага кўтарилиши билан таҳдид “ўта юқори” бўлиши мумкин. Уммон суви таркибидаги кислота ошади, бу эса ундаги маржон ва жонзотларга хавф солади. Ҳарорат ошиши билан қуруқликдаги ҳайвонлар, ўсимликлар ва бошқа жонзотлар баландликлар ҳамда қутблар сари ҳаракат қила бошлайди. Инсонларга таъсири ҳақида гап кетар экан, озиқ-овқат тақчиллиги энг катта хавотир уйғотади. Маккажўхори, гуруч ва буғдой 2050 йилга бориб 25 фоизга камайиши башорат қилинади. Яна 25 йилдан кейин аҳоли сони 9 миллиардга етиши ва шаҳарлар кенгайиб бориши эҳтимоли билан, озиқ-овқат етишмовчилиги янада ёмонлашади. Тропик ҳудудлар ва Антарктиканинг баъзи қисмларида балиқчилар ўлжаси 50 фоизга камайиши мумкин.

Иқлим ўзгаришига қарши кураш масаласида Ўзбекистон масъулият билан чоратадбирлар кўраётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, сўнгги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини сақлаш, экологик хавфсизликни таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқида жаҳон ҳамжамиятини, хусусан, минтақа мамлакатларини экологик масалаларда, жумладан, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этишда халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштириш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Бугунги кунда мазкур масалаларда амалий ишлар бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Биргина мисол сифатида БМТ шафелиги остида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди тузилиши ёки Оролнинг қуриган тубида ўрмонзор ташкил этилаётгани, 1,5 миллион гектардан зиёд майдонларга саксовул ва чўл ўсимликлари уруғлари сепилгани ҳамда кўчатлари экилганини келтириш мумкин. Олиб борилган ислоҳотларни жаҳон ҳамжамияти қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, углерод нейтраллигига эришиш ва “яшил” энергетика улушини кескин ошириш стратегик вазифа сифатида белгиланганини эслатиб ўтиш жоиз. Давлатимиз раҳбарининг “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтириш масалалари акс этгани иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва унга мослашиш учун хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг барча ташаббус ва таклифлари “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича вазифалар билан ҳамоҳанг. Стратегияда кўрсатилган вазифаларга кўра, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 444 та яшил боғ барпо этилади. Бунинг учун барча давлат идоралари, корхоналар, таълим муассасаларининг ҳудудида яшил боғлар ташкил қилинади. Айниқса, йирик саноат корхоналари жонбозлик кўрсатиши назарда тутилган. Яъни 112 та йирик саноат корхонаси уч йил давомида 30 миллион туп кўчатдан иборат “яшил белбоғ”лар барпо этиши белгиланган.

Ўрмонлар майдонини кенгайтириш борасида ҳам вазифалар кўзда тутилган бўлиб, хусусан, республиканинг ўрмон билан қопланганлик даражасини 8,1 фоизга, Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорларни 1,9 миллион гектарга етказиш, Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 200 минг гектар яшил майдонларни барпо этиш мақсад-вазифалари ифодаланган. Бундан ташқари, иқлим ўзгариши салбий таъсирининг олдини олиш, чўлланиш, қурғоқчилик, чанг-қум бўронлари ва ҳароратнинг кўтарилишига қарши чора сифатида жами 400 минг гектар майдонда “яшил қопламалар” — ҳимоя ўрмонзорларига асос солинди. Бу эса, ўз навбатида, турли чанг-тўзонлар кўтарилишига қарши туришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир якунлари бўйича Самарқанд форумининг якуний ҳужжати — “Яшил” ривожланишнинг минтақавий концепцияси тақдимоти қабул қилинди. У иқлим ўзгариши соҳасида Марказий Осиё давлатларининг ягона минтақавий қарашларини шакллантиришга асос солади. Унда етакчи халқаро ташкилотларнинг минтақадаги экологик муаммоларни ҳал этиш борасидаги ёндашувлари ҳам баён қилинди.

Самарқанд шаҳрида ўтказилган форумда зарар кўрган ҳудудларда ерларни тиклаш, чўлланишга қарши курашиш ва иқлим ўзгаришининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини камайтириш бўйича ечимлар кўриб чиқилгани янада аҳамиятли бўлди.

«Давлат сирлари тўғрисида»ги Қонун:

ОЧИҚЛИК СИЁСАТИНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

Ахборот энг муҳим манбалардан бирига айланиб бораётган замонавий дунёда давлат сирларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш зарур. Бу борада давлат сирлари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш муҳим ўрин тутади. Бундан кўзланган асосий мақсад — миллий манфаатлар ва давлат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган махфий маълумотлар тарқалишининг олдини олиш.

Эксперт таҳлили

Маълумки, мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Конституцияси 33-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги, шунингдек, ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга бўлиши ҳамда давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши мустаҳкамланган. Шу билан бирга, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилиши белгилаб ўтилган.

Дастлаб ушбу муносабатлар 1993 йил 7 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солиб келинган. Мазкур қонун жами 10 та моддадан иборат бўлиб, улар мазкур соҳадаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини ташкил этарди. Бироқ қонунда кўпгина нормалар ҳаволаки бўлиб, улар батафсил ёритилмаган, аксарият қоида ва талабларни татбиқ этиш механизмалари “ёпиқ” қонуности ёки ички идоравий ҳужжатлар билан тартибга солинган эди.

Бу эса давлат сирлари ҳамда уларни ҳимоя қилиш борасида жисмоний ва юридик шахсларда туғилаётган кўплаб саволларнинг жавобсиз қолишига олиб келди. Масалан, махфийлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати ёки махфийлаштирилмайдиган маълумотлар тоифалари, давлат сирлари билан танишишга рухсат бериш тартиби, давлат сирлари билан боғлиқ бошқа фаолиятни амалга оширишда ҳуқуқ ва мажбуриятлар, мамлакатлар ўртасида давлат сирларини ўзаро алмашиш тизими аввалги қонунда тартибга солинмаган эди. Бу эса бугунги кунда қонунчиликда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда юртимизда амалга оширилаётган очиқлик сиёсати талабларига жавоб бермайди.

Шу сабабли, 2024 йилнинг 27 декабрь куни Президентимиз томонидан “Давлат сирлари тўғрисида”ги янги Қонун имзоланди. Бу нафақат миллий хавфсизлик билан боғлиқ ахборотни ҳимоя қилишни тартибга соладиган, балки мамлакатимизда конституциявий нормаларга риоя этиш, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қиладиган муҳим ҳужжатдир.

Янги қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва бир вақтда давлат манфаатлари хавф остига қўйилмаслигини таъминлаш тамойили асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мақсади маълумотларни давлат сирларига киритишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгилаш, давлат сирларидан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини кўзлаб давлат сирлари билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишдан иборат.

Янги қонун 9 боб ва 45 та моддадан иборат бўлиб, унда давлат сирларига оид асосий тушунчалар берилди ва давлат сирларини сақлаш бўйича ягона давлат сиёсати Президент томонидан амалга оширилиши белгиланди. Аввалги қонунга кўра, ушбу ваколатларни фақат Давлат хавфсизлик хизмати белгиларди эди. Эндиликда эса Давлат хавфсизлик хизмати давлат сирлари соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. Бундан ташқари, Давлат хавфсизлик хизмати билан бирга Вазирлар Маҳкамаси ва давлат сирларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг бу борадаги ўзига хос ваколатлари аниқ белгилаб берилди.

Шунингдек, янги қонун билан давлат сирларининг алоҳида тоифалари, уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги органларнинг ваколатлари, махфийлик даражаси ва маълумотларни махфийлаштириш муддати белгиланди.

Айтиш жоизки, аввалги қонунда бу меъёрлар белгиланмаган эди. Шу сабабли давлат сирларидан фойдаланиш ва муомала қилишнинг ҳуқуқий асослари жисмоний ҳамда юридик шахслар ўртасида турлича талқин қилинар эди.

Янги қонунга кўра, давлат сирлари — давлат томонидан қўриқланадиган ва сир сақланиши лозим бўлган маълумотлар рўйхатига киритилган, ошкор этилиши Ўзбекистон хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган давлат аҳамиятига молик сир ва (ёки) хизмат сирини ташкил этувчи маълумотлар ва ахборотлардир. Бунда давлат аҳамиятига эга сир — ошкор этилиши республиканинг мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги, иқтисодий ва сиёсий манфаатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумотлар, деб аниқ белгилаб қўйилди.

Давлат сирларини ҳимоя қилиш зарурати билан оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқи мувозанати таъминланди. Эндиликда маълумотларни давлат сирлари жумласига киритиш ва уларни махфийлаштириш фақатгина махфийлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхатига асосан амалга оширилади. Давлат сирлари жумласига киритиладиган маълумотлар тоифаси эса янги қонуннинг алоҳида 3-бобида тўлиқ кўрсатилган.

Янги ўрнатилган тартиб, жисмоний ва юридик шахслар, қолаверса, давлат ташкилотларининг айрим ходимлари томонидан билмасдан, ўзи хоҳламаган ҳолда давлат сирлари соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олади. Шунингдек, маълумотларни давлат сирлари жумласига киритиш давлат сирларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг ўзлари томонидан амалга оширилиши белгиланди. Бунда ушбу ташкилотлар раҳбарлари маълумотларни давлат сирлари жумласига киритиш тўғрисидаги ўз қарорлари учун шахсан жавобгар бўлади.

Янги қонун билан давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлар махфийлигининг биринчи, иккинчи ва учинчи даражалари ҳамда уларга мувофиқ бўлган “Алоҳида аҳамиятли”, “Мутлақо махфий”, “Махфий” грифлари ҳам белгилаб қўйилди. Бунда давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни махфийлаштириш муддати давлат аҳамиятига эга бўлган сир учун 30 йилдан, хизмат сирлари учун 10 йилдан ошмаслиги керак.

Янги қонуннинг асосий афзалликларидан яна бири шундаки, унда ахборотни таснифлашнинг шаффоф тизими яратилди, давлат сирларини ҳимоя қилиш ва давлат сирларидан фойдаланишга доир рухсатнома бериш жараёнлари оптималлаштирилди. Бунда турли соҳаларда давлат сирларига тааллуқли маълумотлар рўйхати келтирилган, маълумотларни давлат сирларига киритиш тартиби ва тамойиллари, уларни сир сақлашнинг асослари ҳамда муддатлари, шунингдек, сир сақланмайдиган маълумотлар тоифаси ҳам аниқ ва равшан белгилаб қўйилган. Янги қонунга кўра, давлат сирларига киритилган маълумотлар ва уларнинг ташувчилари қонунийлик, асослилик ва кечиктирмаслик тамойиллари асосида сир сақланади.

Шу билан бир қаторда, фуқароларга ахборотдан фойдаланишга доир чекловлар ва бу соҳада давлат органларининг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш имконини берувчи шаффоф механизм яратилди. Бу ўринда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳат шундаки, фуқаро ва ташкилотлар янги қонун билан ўрнатилган тартибга риоя этган ҳолда маълум бир махфий маълумотлардан фойдаланиши мумкин. Яъни ахборотдан фойдаланиш бўйича фақатгина тегишли “чеклов”лар мавжуд, бутунлай “тақиқ” эмас.

Янги қонунда сир сақлашдан чиқариш асослари ва меъёри, рухсатнома бериш тартиби ва талаблари ҳамда рад қилиш асослари ҳам белгилаб қўйилди. Шунингдек, унда давлат сирларига эгалик, фойдаланиш ва тасарруф этиш, уларни узатиш тартиби, давлат сирларини ҳимоя қилиш талаблари, ҳимоя тадбирларини молиялаштириш манбалари ҳам белгиланди.

Яна шуни айтиш жоизки, янги қонун анча кенг қамровли бўлиб, унда давлат сирларига оид тушунчалар ва махфий ахборот турлари тўлақонли баён этилди ва айнан нимани махфийлаштириш мумкинлиги аниқ белгилаб берилди.

Бундан ташқари, мазкур қонун билан нафақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, балки халқаро шартномалардаги мажбуриятларни бажаришда турли даражадаги сирларни ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий асос яратилди.

Хўш, эндиликда давлат сирларига нималар киради?

Аввалги қонунда сирлар уч тоифага бўлинган эди — давлат сири, ҳарбий сир ва хизмат сири. Янги қонунда уларнинг таснифи анча кенгайтирилди ва эндиликда уларни қуйидаги тоифаларга бўлиш мумкин:

- ҳарбий соҳадаги давлат сирлари жумласига киритиладиган маълумотлар;
- ташқи сиёсатга оид ва ташқи иқтисодий соҳадаги давлат сирлари жумласига киритиладиган маълумотлар;
- разведка, контрразведка, тезкор-қидирув фаолияти ва давлат хавфсизлигига тааллуқли бўлган бошқа фаолият соҳасидаги давлат сирлари жумласига киритиладиган маълумотлар;
- иқтисодиёт, таълим, фан ва техника соҳасидаги давлат сирлари жумласига киритиладиган маълумотлар.

Янги қонун қабул қилингунга қадар амалда бўлган рўйхат ҳукуматнинг 1994 йилдаги қарори билан тасдиқланган Йўриқномада махфий грифда берилган эди. Эндиликда ушбу рўйхатнинг қонун билан очиб берилиши давлатимизнинг бугунги кундаги очиқлик сиёсатига мос келади. Шунингдек, янги қонунда махфийлаштирилмайдиган маълумотлар рўйхати келтирилиб, уларни махфийлаштириш борасида асоссиз қарор қабул қилганлик бўйича жавобгарлик белгиланди, фуқароларнинг шахсий хавфсизлигига таҳдид соладиган ахборотларнинг давлат сирлари таркибига киритилиши ман этилди.

“Давлат сирлари тўғрисида”ги Қонун у расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач, яъни 2025 йилнинг 29 мартидан кучга кирди, 1993 йил 7 майда имзоланган “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонун эса ўз кучини йўқотди.

Муроджон МИРСАИДОВ, ҳуқуқшунос.

Ўзбекистонда ўтган саккиз йил мобайнида қарийб 500 минг хонадонли уй-жойлар барпо этилди.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2025 йил 11 апрель

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

ТАШХИС ҚЎЯДИ ВА ДАВОЛАЙДИ

Илм-фан ривожлангани сари дунёнинг кўпгина мамлакатларида иқтисодиёт, саноат, таълим, тиббиёт, туризм, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

XX асрнинг 80 — 90 йилларига келиб тадқиқотчилар бошқа соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлашда ҳам сунъий интеллект тизимларини яратиш ва амалиётга татбиқ қилиш зарурлиги ҳақида ўйлай бошлашди. Дастлаб "сунъий нейронлар", "Байес тармоқлари" каби янги ёндашувлар ишлаб чиқилди. Кўплаб давлатлар тиббиётга сунъий интеллектни жорий этиш дастурига қўшилишди ва 2002 йилга келиб бу ўз натижасини бера бошлади.

Илм-фан одимлари

Бугунги кунда олимлар тиббиётда сунъий интеллектни қўллаш бўйича жуда катта тажрибаларни амалга оширмоқда. Бу борада, айниқса, АҚШ, Германия, Япония, Россия, Ҳиндистон каби давлатларда олиб борилаётган тадқиқотлар тиббиёт соҳасини ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда ҳам соғлиқни сақлаш тизимига рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни жорий этишга бўлган эҳтиёж ниҳоятда катта. Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбари ташаббуслари асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида барча соҳани рақамлаштириш ҳамда мамлакатда ҳақиқий ахборот жамиятини барпо этишга эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги Фармонига асосан "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланган. Унда белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг энг муҳим шартлари соҳанинг молиявий таъминоти ва аҳолининг рақамли саводхонлигини кучайтириш, ҳудудларни ва тармоқларни рақамлаштириш, рақамли инфратузилма, рақамли технологиялар миллий бозори, ахборот технологиялари соҳасида таълим ва малака оширишни ривожлантириш каби устувор йўналишларни ўз ичига олади. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 17 февралдаги "Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2024 йил 14 октябрдаги "Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлари кўпгина соҳалар қатори тиббиёт ва фармацевтика тармоқларини ҳам замон талаблари асосида модернизация қилишга кенг йўл очди.

Тиббиётга сунъий интеллектнинг кириб келиши рақамли тасвирларни сканерлашда, яъни компьютер томографиясини, юрак уриш тезлигини таҳлил қилишда, касаллик хавфи ошишини аниқлашда, дори воситаларини яратишда, инсон омилисиз операциялар ўтказишда (робототехника) ўз натижаларини бермоқда. Робототехника ва сунъий интеллект соҳалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу икки фаннинг интеграцияси тиббиётда кўпгина муваффақиятларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам тиббиётнинг ривожланишида бу интеграция таъсирини яққол кўриш мумкин. Илк бор 2022 йили Тошкентда мураккаб жарроҳлик операциялари роботлар ёрдамида ўтказилди. Ҳозирги кунда бу инновацион технология жарроҳликдагина эмас, тиббиётнинг барча жабҳасида фаол қўлланила бошланди.

Самарқандда ҳам роботлар ёрдамида жарроҳлик амалиёти бир неча марта ўтказилди. Мазкур янгиликнинг афзалликлари кўп. Масалан, операция ўта юқори аниқликда бажарилади, жараён хавфсизлиги таъминланади, шифокорга инсон танасининг энг мураккаб қисмлари ҳамда касалликнинг энг оғир даражаларида ҳам эркин ишлаш имконини беради. Махсус дастур ёрдамида мураккаб амалиётлар чоғида юзага келиши мумкин бўлган жарроҳлик хатоликларнинг олди олинади.

Ушбу янги жарроҳлик технологияси нисбатан хавфсиз ва каминвазив бўлиб, минглаб беморлар ҳаётини сақлаб қолиш мумкин. Ушбу усулнинг ижобий томонлари ҳам кўп. Бемор учун афзаллиги шундаки, операция унинг танасидаги бир нечта кичик кесмалар орқалигина ўтказилади. Бу эстетик жиҳатдангина афзал бўлиб қолмай, жароҳат ўрни битишида ҳам камроқ вақт талаб этади. Қолаверса, қон йўқотиш, оғриқ, инфекция хавфи каби операциядан кейинги асоратлар сезиларли даражада камаяди. Ушбу турдаги жарроҳлик аралашувидан сўнг тикланиш жараёни анча тез кечади, бу эса — шифохонага ётгач, бир неча кун ўтиб, одатий ҳаёт тарзига қайтиш имкони демакдир.

Бугун тиббиётда нейрон тармоқларидан ҳам кенг фойдаланилаётир. Нейрон тармоқлари тиббиётда турли хил усулларда қўлланилиши мумкин. Масалан, бемор "бош оғриғи", "юқори иситма", "титроқ" сўровини юборади. Сунъий интеллект бошқа миллионлаб карталарни таҳлил қилади ва улардаги ташхислар асосида сўровни юборган одамнинг касаллигини жуда тез топади. Бугунги кунда нейрон системаси асосида тиббиёт учун кўплаб технологиялар ишлаб чиқилган ва уларнинг баъзилари дунё бўйлаб клиникаларда фаол қўлланилмоқда. 2018 йилда олимлар томонидан жарроҳлик жараёнида артериал босимнинг аномал пасайиши ёки гипотонияни олдиндан билиш алгоритми ишлаб чиқилди ва бир неча тадқиқот натижалари эълон қилинди. Бу жараёнда айнан сунъий интеллект гипотониянинг башорат алгоритмини тайёрлашда ёрдам берди. Тадқиқотчилар бу алгоритм операция вақтида асоратлар эҳтимолини камайтиришини сунъий интеллект ёрдамида аниқлашди.

Тери саратонини эрта аниқлашда ҳам сунъий интеллект муҳим натижалар бераётир. АҚШ, Франция, Германия олимлари сунъий интеллект ёрдамида нейрон системасини тери саратон касаллигини аниқлаш учун тасвирларни олдиндан топишга ўргатишди. Мазкур дастур 95 фоиз ҳолда тери саратонини тўғри топиб, эрта диагноз қўйиш имконини берди.

Кўпгина ривожланган давлатларда сунъий интеллект орқали ҳомиладаги патологияларни аниқлаш кенг йўлга қўйилган бўлиб, олимлар томонидан бу патологиялар инсон омили ва бошқа воситалар орқали аниқланиши имконсизлиги эътироф этилган.

Дунё клиник тадқиқотларида "CAR-T" ҳужайра терапияси каби махсус даволаш усуллари сунъий интеллект билан кўпроқ амалга оширилмоқда. Айниқса, такрорланувчи саратонда қўлланиладиган ушбу усул билан даволаш жараёнлари беморлар учун янада самарали бўла олди. "CAR-T" — ҳужайра терапиясининг инновацион усули бўлиб, бунда беморнинг ўзига тегишли Т-лимфоцитлар ўсимта ҳужайраларининг маълум бир турини йўқ қилишга ёрдам берувчи сунъий яратилган рецепторни бириктириш орқали ўзгартирилади. Бу терапиянинг муҳим жиҳати "CAR-T" ҳужайралари ўсимтани ўзи топади. Яна бир афзаллиги — бу терапия орқали кимётерапия самарасиз кечган беморларга тўлиқ ёрдам берилади. "CAR-T" терапияси юқори самарадорликка эга, аммо токсиклик, жараённинг жуда қимматлиги, технологиянинг мураккаблиги каби бир қанча муаммолар борлиги учун ҳам олимлар бу терапияда сунъий интеллектдан фойдаланиш катта афзалликларга эга эканлигини исботлашди.

Халқ сўзи
Народное слово
ТАНЛОВИГА

Умуман олганда, сунъий интеллект тиббиётнинг барча қатламига кириб боряпти. Бу орқали инсон ўзидаги юрак хуружини шифокор кўригисиз аниқлаши мумкин. Сунъий интеллект беморга "ақлли ҳамшира" бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Яъни тавсия этилган дорини ичишни вақтида эслатиш ва дориларнинг ножўя таъсирини назорат қилиш вазифаларини ўз зиммасига олади. Шунингдек, сунъий интеллект шифохоналар бошқарувида Call-center, администратор, ассистент вазифаларида ҳам иштирок этмоқда.

Сунъий интеллектни ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари учун устувор вазифа қилиб қўйилган. Тиббиётда шифокор амалиёти ва тажрибаси инсон танасидаги у ёки бу муаммони ўз вақтида аниқлаш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Сунъий интеллект орқали катта ҳажмдаги маълумотларга, илғор илмий адабиётларга ва миллионлаб касаллик тарихига эга бўлган нейрон системаси ҳар қандай ҳолатни тезда таснифлаб, уни бошқа беморлардаги ўхшаш муаммолар билан таққослаш ва даволаш режасини қисқа вақт ичида таклиф эта олиш қобилиятига эга. Шунингдек, у беморларнинг тузалиб кетиш потенциалини башорат қилиш орқали натижаларни оптималлаштиради. Сунъий интеллектни соҳада фойдаланишга татбиқ этиш маълумотларни тезкор йиғиш ва қайта ишлаш, мураккаб операцияларни инсон омилисиз бажариш, диагностикани ривожлантириш, патологияни эрта аниқлаш, даволаниш вақтини қисқартириш, организмдаги жараёнларни тасвирларда ўқиш орқали ташхис аниқлигини ошириш каби бир қанча афзалликларга эга. Қолаверса, сунъий интеллектдан дори воситаларини ишлаб чиқиш учун стартаплар яратишда, протезлаш жараёнида, беморларга масофавий ёрдам кўрсатишда фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунда роботлар орқали реабилитация жараёни ҳам, узоқ давом этадиган операциялар ҳам муваффақиятли амалга ошириляпти. Бу каби операцияларнинг юртимизда ўтказилаётгани тиббиётимиз жадал ривожланаётганидан далолатдир. Соғлиқни сақлаш соҳасида сунъий интеллект орқали яратиладиган ижобий қулайликларни кўп давом эттириш мумкин. Энг асосийси — бундан оқилона фойдалана олиш.

Сунъий интеллект фармацевтика соҳасига ҳам кириб келмоқда. Битта янги препаратни кашф қилиш жараёни йиллар мобайнида давом этиши мумкин, сунъий интеллект орқали эса бу вазифа қисқа вақт ичида амалга оширилмоқда. Янги дори воситаларини ишлаб чиқишда сунъий интеллект катта ҳажмдаги кимёвий маълумотларни таҳлил қиляпти ва кейинги тадқиқотлар учун потенциал фаол бирикмалар кашф этиляпти, яратилган бирикмаларнинг организмга таъсири таҳлил қилиняпти. Бу эса клиник синовлар вақтида хавфларни камайтириш имконини беради.

Албатта, илм-фанда бўлаётган бу ўзгаришлар кўпгина соҳалар қатори тиббиёт ва фармацевтика йўналишларида ҳам илмий ва амалий янгиликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонда 2030 йилга қадар сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш стратегияси орқали соғлиқни сақлаш, фармацевтика йўналишларида сунъий интеллект асосида фаолият юритувчи илмий лабораториялар ташкил этиш бўйича кучли 50 таликка кириш учун барча шарт-шароит яратилиши кўзда тутилган. Бу эса ҳар бир соҳага инновацияларни киритиш имкониятларини янада оширади. Сунъий интеллект ҳаётимизнинг кўплаб соҳалари тубдан ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Агар унинг имкониятларидан тўғри, оқилона фойдаланилса, бу орқали ўнлаб соҳаларда муаммолар ижобий ҳал қилиниб, илм-фан янада тараққий этади.

Жасур РИЗАЕВ,
Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор.

НАТИЖА УЧУН ИНСОНДА АНИҚ РЕЖА БЎЛИШИ КЕРАК

Наманган туманидаги Чағир маҳалласида яшовчи Исломбек атрофдагиларга ҳавас қилиб ишлаш учун Россияга йўл олганида хаёлан каттагина маблағни ҳамёнига жойлаб бўлганди. Танишларининг кўмаги билан Москвадаги қурилиш фирмаларидан бирига жойлашди. Аввалига ҳаммаси сип-силлиқ кетаётган эди. Фалокат оёқ остида деганларидек, янги тикланаётган осмонўпар бинонинг олтинчи қаватида бетон қуяётган чоғида оёғи тойиб кетди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилганидан сўнг унинг оёқлари ҳаракатдан қолгани маълум бўлди. Йигирма саккиз ёшли йигит юртга қўлтиқтаёқда қайтди.

Қишлоқдаги тенгдошинг

— Ўшанда ҳали уйланмагандим. Ота-онамга суянч бўладиган пайтимда тўшакка михланиб ёки бутун умр қўлтиқтаёқда юришдан жудаям қўрққандим, — дейди Исломбек. — Шифокорлар умид борлигини, мураккаб амалиёт ёрдамида оёқларимни бутлаш мумкинлигини ва бунинг харажати ҳам катта бўлишини айтишди. Маҳалла ёшлар етакчиси Абобакир ака уйимизга келганида унга дардимни айтдим. Эртаси куни унинг ўзи шифохонага олиб бориб, малакали жарроҳлар билан суҳбатлашганидан сўнг кўнглимга ёруғлик кирди. Маҳалладошларимиз амалиёт харажатларининг бир қисмини кўтаришди. Етакчи ишнинг бошида туриб берди.

Жарроҳлик амалиётидан кейин Исломбек Абдумажидов оёққа турди. Ёшлар етакчиси уни тузалганидан кейин ҳам ташлаб қўймади. Ҳомийлар кўмаги билан велосипед ҳадя қилди. Даромад манбаига эга бўлиши учун ўттиз йиллик муддат билан банд бўлмаган ёшларга ажратилган майдондан 20 сотих ер олиб берди. Бунга жавобан меҳнатини аямаган Исломбек маккажўхори экиб, бир мавсумнинг ўзида 12 миллион сўм даромад қилди...

Чағир маҳалласида тўрт йилдан буён ёшларга етакчилик қилиб келаётган Абобакир Турсуновнинг фаолиятидан келтирилган бу мисол унинг ўтган вақт ўзига юкланган вазифага астойдил киришга улгурганидан далолат беради. Уч мингга яқин аҳолиси бўлган ҳудуднинг 14 — 30 ёшлар орасидаги фуқаролари 740 кишини ташкил этади. Кўпчилиги уюшмаган ёшлар эканлиги инобатга олинса, етакчининг масъулияти ва иш қамрови янада ойдинлашади. Зеро, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос характери, интилиши, муаммолари бор.

Ҳаётда навқирон йигит-қизларни ягона мақсад сари бирлаштиришда улар кўнглига йўл топиб, қизиқишлари, интилишларини, айниқса, иқтидорларини тўғри йўналтириш кутилган натижани бериши амалда исботини топган. Чағирда ҳам ижтимоий фойдали йўналишларга ҳавасмандлар етарли. А. Турсунов биринчи навбатда, спортга иштиёқи кучли бўлган ўғил-қизлар билан алоҳида ишлаш, уларни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатишни маъқул кўрди. Бунинг учун маҳаллада иккита замонавий спорт иншооти борлиги қўл келди. Уларда шуғулланаётганлар эса 350 нафардан ошди. Айрим йўналишлар бўйича натижага ҳам эришилди. Хусусан, иқтидорларни аниқлашга йўналтирилган "Беш ташаббус" ҳаракатининг республика босқичига етиб борган ва ғолиб бўлганлар сафида чағирликлар ҳам бор. Масалан, спорт тенниси бўйича яхшигина маҳорат эгаси Райҳона Умаралиева нафақат маҳалладошлари, балки Наманган ёшлари ишончини оқлади. Абдуқодир Авазбеков миллий кураш бўйича вилоят чемпиони мақомига эришди.

— Ёшлар етакчисининг маҳалладаги "ет-тилик" орасида муносиб ўрни бор, — дейди "Чағир" МФЙ раиси Муҳаммадали Хўжаев. — Ёшлар, уларнинг ота-оналари ўртасида ҳурматга сазовор. Шу боис аҳолининг катта қисми бўлган ёшлар масаласида кўнглимиз тўқ. Миграциядаги фуқаролар билан ишлашда ҳам яхши натижаларга эришяпмиз.

Дарвоқе, хорижда меҳнат фаолияти билан банд бўлган фуқаролар масаласида Чағир яқин вақтгача оғир ҳудудлардан ҳисобланиб келган. Бундан икки йил аввал 90 киши чет элдаги меҳнат муҳожири сифатида қайд этилган. Ёшлар етакчиси уларнинг ҳар бирининг оиласи билан алоқа ўрнатди. Ўзимизда ҳам етарли даромад топиш мумкинлиги, мавжуд иш ўринлари тўғрисида олиб борган тарғиботи туфайли меҳнат муҳожирларидан 35 нафари юртга қайтди. Ўн икки нафари Поп туманида барпо этилаётган қуёш фотоэлектр станцияси қурилишида ишлаб, кўнгилдагидек маош олмоқда. Қолганлари деҳқончилик билан машғул — ҳар бирига ажратилган 20 сотих ерда даромад топмоқда.

— Тўрт йиллик фаолиятим даврида зиммамга юкланган вазифа нақадар масъулиятли эканини билдим, — дейди Абобакир Турсунов. — Баъзан нотинч оилалар билан шуғулланишга тўғри келади. Айрим қўлида ҳунари йўқ, бекорчи ёшларни тўғри йўлга солиш ҳам осон эмас. Телефонга муккасидан кетиб, на оиласи, на жамиятга нафи тегмайдиганлар тоифаси кўпайиб бораётгани оғриқли нуқта. Буларни кунлик иш тартибимизда маҳкам тутганмиз.

Маҳалладаги ёшлар етакчиси ким? Наманганнинг олис маҳалласида меҳнат қилаётган айни лавозим эгасининг тиғиз фаолиятидан келтирилган мисоллар бунга жавоб бўлса, не ажаб! У ўз тенгдошларига елкадош, ҳудудда соғлом ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлашда фаол ташкилотчилардан. Асосийси, бундай ёшлар тенгдошларига ибрат бўлмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*

ТАФСИЛОТЛАР

Ҳар томонлама манфаатли ярмарка

Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида "Ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаси" бўлиб ўтмоқда.

Икки кун давом этадиган ярмаркада пойтахт вилоятидан 300 дан зиёд саноат корхоналари 2,5 минг турдан ортиқ, шунингдек, бошқа вилоятлардан келган 50 нафарга яқин тадбиркорлар ўз маҳсулотлари билан қатнашаётир.

Тадбир доирасида вилоят ҳокими ва тизим масъуллари иштирокида ишбилармонлар учун сайёр қабул ҳам ташкил этилди. Унда тижорат банклари томонидан лойиҳалар учун кредит маблағи ажратиш, солиқ тўловлари, ер-кадастр, инвестиция йўналтириш каби кўплаб масалалар юзасидан юзлаб мурожаатлар кўриб чиқилди. Жараёнда ҳар бир мурожаат тегишли тартибда масъулларга йўналтирилди. Айрим мурожаатлар бўйича тадбиркорларга ҳуқуқий тавсиялар берилди.

Огоҳ этувчи мониторинг

Пойтахтимиздаги Сергели ҳамда Учтепа туманларида Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Гидрометеорология хизмати агентлиги ҳамда "Замин" халқаро жамоат фонди томонидан ҳаво мониторинги автоматик станциялари ишга туширилди.

"Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши мониторингини автоматлаштириш" қўшма лойиҳаси доирасида амалга оширилган ушбу тадбир натижасида шаҳар атрофида атмосфера ҳавоси сифатини комплекс кузатишга хизмат қиладиган ҳаво мониторинги станцияларидан иборат "ҳалқа" ҳосил бўлди.

Маълумотлар куннинг маълум қисми, мавсум ва метеорологик шароитга қараб ифлослантирувчи моддалар концентрациясининг умумий ҳолати ҳамда тенденцияларини баҳолаш, шунингдек, "ҳалқа" бўйлаб мониторинг тизими шаҳарнинг қайси ҳудудлари зарарли моддалардан кўпроқ таъсирланиши мумкинлигини прогноз қилиш имкониятини яратади.

Бибихоним таққан мунчоқ намойиши

Темурийлар тарихи Давлат музейида "Тасвирий санъатда темурийлар даври аёллари сиймоси" кўргазмаси очилди. Унда Амир Темур ва темурийлар даврида аёллар образи акс этган мўъжаз миниатюралар, XXI аср рассомлари томонидан яратилган асарлар, XIX-XX асрларга оид аёллар тақинчоқлари ва энг асосийси, музейнинг ноёб экспонатларидан бири ҳисобланган Бибихонимга тегишли мунчоқ ўрин олган.

Айтиш жоизки, қадимдан Шарқнинг аёллари ўзининг гўзаллиги, донолиги ва жамиятдаги ўрни билан бошқа халқлар аёлларидан тубдан фарқ қилган. Хусусан, XIV — XVI асрларда Амир Темур ва темурийлар даври маликалари жамиятда илми, ақлзаковати, донишмандлиги, маънавий-ахлоқий фазилатлари, давлат бошқаруви, дипломатия ва меъморчилик ишларида фаол иштироки, илм-фан, маданият ҳамда санъат тараққиётидаги ўрни билан алоҳида ажралиб турган.

Кўргазма ўз ишини давом эттирмоқда.

«Халқ сўзи».

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг туризм экспорти 1,6 карра ошиб, 3,5 миллиард долларга етди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 13 529 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер килинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Х. Норбоев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6